



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 январда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда заргарлик саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, заргарлик буюмлари экспортини оширишга, шунингдек туризм соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳар томонлама имкониятлар яратишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда заргарлик тармоғини саноатнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг хомашёга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шу билан бирга туризмни янада ривожлантириш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг самарали фаолиятни амалга ошириши учун уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни кўрсатишдан олган фойдаси фойда солиғидан озод қилиниши тўғрисидаги норма билан тўлдириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналари мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни хомашё ресурслари билан таъминлашга ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек туризмни ривожлантиришга ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қирқ тўққизинчи** ва **эллигинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни кўрсатишдан олган фойдаси 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғидан озод қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги ЎРҚ–549-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 387-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **21-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисм қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжлар мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналари жойлаштириш воситалари сифатида мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилади»;

иккинчи – бешинчи қисмлар тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси иккинчи хатбошисининг қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2024 йил 13 май
№ ЎРҚ–926



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

О внесении дополнения и изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан

Принят Законодательной палатой 30 января 2024 года
Одобен Сенатом 30 марта 2024 года

В последние годы в стране осуществляется значительная работа, направленная на создание благоприятных условий для развития ювелирной промышленности, увеличение экспорта ювелирных изделий, а также создание всесторонних возможностей для развития и поддержки сферы туризма.

В то же время в целях превращения ювелирной отрасли в один из основных драйверов промышленности, поддержки деятельности по производству и торговле ювелирными изделиями, а также удовлетворения потребностей субъектов предпринимательства в сырье настоящим Законом в Налоговый кодекс Республики Узбекистан вносится дополнение, предусматривающее освобождение от налога на добавленную стоимость ввоза на территорию Республики Узбекистан драгоценных камней, используемых для производства ювелирных изделий.

Вместе с тем в целях дальнейшего развития туризма, поддержки и создания необходимых условий для осуществления эффективной деятельности детских оздоровительных лагерей настоящим Законом предусматривается дополнение Налогового кодекса Республики Узбекистан нормой об освобождении прибыли от оказания услуг от налога на прибыль, полученную домами отдыха и зонами отдыха, организуемыми на базе детских оздоровительных лагерей в системе профессиональных союзов в период вне сезона отдыха детей.

Кроме того, в Закон Республики Узбекистан «О туризме» вносится изменение, предусматривающее освобождение домов отдыха и зон отдыха, организуемых на базе детских оздоровительных лагерей в системе профессиональных союзов в период вне сезона отдыха детей, от обязательной сертификации.

Настоящий Закон послужит обеспечению отечественных производителей ювелирных изделий сырьевыми ресурсами и увеличению их экспортного потенциала, а также развитию туризма и созданию новых рабочих мест.

Статья 1. Статью 483 Налогового кодекса Республики Узбекистан, утвержденного в новой редакции Законом Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ЗРУ–599 (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., приложение 1 к № 12; 2020 г., № 3, ст. 198, № 10, ст. 593, № 11, ст. 652, № 12, ст.ст. 690, 691; 2021 г., № 1, ст. 6, № 4, ст. 294, приложение к № 4, № 8, ст. 800, № 9, ст. 901, № 10, ст.ст. 968, 969, 972, 973, № 12, ст. 1199; 2022 г., № 2, ст. 79, № 3, ст.ст. 215, 216, № 5, ст.ст. 461, 464, 467, № 6, ст. 570, № 7, ст.ст. 664, 666, № 12, ст. 1190; 2023 г., № 6, ст.ст. 444, 446, № 7, ст. 540, № 12, ст. 1011), дополнить **частями сорок девятой и пятидесятой** следующего содержания:

«На период с 1 января 2024 года до 1 января 2027 года освобождается от налога на добавленную стоимость ввоз на территорию Республики Узбекистан драгоценных камней, используемых для производства ювелирных изделий.

На период до 1 января 2026 года полученная домами отдыха и зонами отдыха, организуемыми на базе детских оздоровительных лагерей в системе профессиональных союзов в период вне сезона отдыха детей, прибыль от оказания услуг в данном направлении освобождается от налога на прибыль».

Статья 2. Внести в **статью 21** Закона Республики Узбекистан от 18 июля 2019 года № ЗРУ–549 «**О туризме**» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., № 7, ст. 387; 2021 г., приложение к № 4, № 10, ст. 968; 2022 г., № 6, ст. 570; 2023 г., № 11, ст. 923) следующие изменения:

часть первую заменить **частями первой и второй** следующего содержания:

«Средства размещения, горнолыжные трассы и пляжи подлежат обязательной сертификации, за исключением случаев, предусмотренных частью второй настоящей статьи.

Освобождаются от обязательной сертификации в качестве средств размещения дома отдыха и зоны отдыха, организуемые на базе детских оздоровительных лагерей в системе профессиональных союзов в период вне сезона отдыха детей»;

части вторую – пятую считать соответственно **частями третьей – шестой**.

Статья 3. Министерству инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан, Налоговому комитету при Кабинете Министров Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 4. Кабинету Министров Республики Узбекистан:
привести решения правительства в соответствие с настоящим
Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами
исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих
настоящему Закону.

Статья 5. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального
опубликования.

Положения абзаца второго статьи 1 настоящего Закона
распространяются также на отношения, возникшие с 1 января 2024 года.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент,
13 мая 2024 года
№ ЗРУ–926